



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

БМТ бош ассамблеяси Ислом Каримов хотирасига хурмат бажо келтирди

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 71-сессияси мажлиси Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовни ёд этиш маросими билан бошланди. Ушбу нуфузли анжуман иштирокчилари — БМТ вакиллари, 193 мамлакат делегатлари, давлат раҳбарлари, сиёсатчилар, дипломатлар ва бошқалар Президент Ислом Каримов хотирасига хурмат бажо келтирди.

БМТ янгиликлар маркази хабар қилишича, БМТ Бош котиби Пан Ги Мун, Бош Ассамблеянинг 71-сессияси раиси Питер Томсон ва қатор давлатлар вакиллари жаҳоннинг энг юксак минбаридан Ислом Каримовнинг Ўзбекистон фаровонлиги, минтақамиз тинчлиги ва барқарорлиги йўлида амалга оширган улкан ишлари ҳақида сўз юритган.

Пан Ги Мун Президент Ислом Каримовнинг оила аъзолари ва Ўзбекистон халқига яна бир бор ҳамдардлик билдирган.

— Ислом Каримов Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган кенг қўламли саяё-ҳаракатларни амалга оширди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Мингйиллик ривожланиш мақсадларини бажаришда муҳим ютуқларга эришди ва барқарор ривожланишнинг янги вазибаларини қўллаб-қувватлади. Давлат раҳбари раҳнамолигида минтақада тинчлик ва ҳавфсизлиқни таъминлашга улкан ҳисса қўшилди. Ислом Каримов ташаббуси билан 2009 йилда Марказий Осиёда ядро қуролдан холи ҳудуд барпо этилгани жаҳон ҳамжамиятининг муҳим ютуқларидан бири бўлди, — деди Пан Ги Мун.

БМТ Бош котиби Ўзбекистонга икки бор расмий ташриф билан келганини, халқимизнинг самимиятини ҳис қилганини қайд этган. Ўзбекистон мустақилликка эришганига 25 йил тўлди. Бир пайтлар Президент Ислом Каримов айтганидек, халқ манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларни мамлакат ривожининг устувор йўналишига айланди, деб таъкидлаган Пан Ги Мун. У Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистонда амалга оширилаётган фундаментал ислоҳотларга ҳисса қўшиш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни давом эттириш ниятида собитлигини билдирган.

Тадбирда БМТнинг беш минтақавий гуруҳи — Осиё, Африка, Шарқий Европа, Фарбий Европа, Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси гуруҳлари вакиллари сўзга чиққан. Улар Ислом Каримовнинг тинчликпарвар сиёсати, асосли ташаббуслари ва амалий ишлари улкан минтақада ҳавфсизлик ва барқарорликни таъминлаганини эътироф этган.

Қозоғистоннинг БМТдаги Доимий вакили Қайрат Абдраҳманов Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов қатъиятли, мард ва тўғрисиқ лидер, тенг-ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорлик тарафдори бўлганини таъкидлаган. Шарқий Европа давлатлари номидан сўзга чиққан Эстония вакили Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон юритган сиёсат Марказий Осиёда барқарорлик ва халқаро муносабатлар ривожига хизмат қилганини баён этган.

Ўзбекистоннинг БМТдаги Доимий ва мухтор вакили Музаффар Мадраҳимов ватандошларимиз учун оғир бўлган паллада ҳамдардлик билдиргани ва қўллаб-қувватлагани учун анжуман иштирокчиларига миннатдорлик билдирган. Ислом Каримов эркин фуқаролик жамияти ва бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат қуришининг чуқур ўйланган стратегиясини ишлаб чиққан ва амалга оширган буюк давлат арбоби сифатида юксак обрў-эътибор қозонган эди, дея таъкидлаган.

Аввалроқ, 6 сентябр кuni Ислом Каримов вафотида мотам белгиси сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йорк, Женева ва Рим шаҳарларидаги бинолари ёнидаги БМТ байроқлари туширилган эди.

Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида ҳам Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасига хурмат бажо келтирилди.

Бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов замонимизнинг буюк сиёсатчиси, узоқни кўра оладиган ва стратегик фикр юритадиган нодир қобилият соҳиби, тинчликпарвар ва халқпарвар давлат раҳбари, доно ислохотчи ва қомил инсон сифатида бутун дунёда юксак обрў-эътибор қозонганидан далолат беради.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!

Истиқлол йилларида мамлакатимиз озодлик нафасидан баҳра олиб, тараққиётнинг ойдin йўлидан дадил одимламоқда. Жумладан, Хоразм вилояти ҳам саноати ривожланган, туризми юксалган, тадбиркорлик кенг қулоқ ёзган, тиббиёт, маданият, таълим йўналишларида улкан муваффақиятлар қўлга киритилётган, деҳқончилик ва ҳунармандчилик янги поғонага кўтарилган ҳудудга айланди.



Қуёшли ўлканинг нурафшон бахти

САНОАТ САЛОҲИЯТИ ЮКСАЛМОҚДА

Аграр ҳудуд бўлган Хоразм воҳаси мустақиллик шарофати билан қисқа фурсатда саноат ўлкаси деган номга эга бўлди. Бирин-кетин бунёд этилган замонавий технологияларга асосланган йирик саноат корхоналари вилоят иқтисодиётининг юксалишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кейинги йилларда шаклланган янги тармоқлардан бири машинасозликдир. «GM-Uzbekistan» акциядорлик компанияси Хоразм филиалининг ишга тушиши бир ярим мингдан зиёд ёшлар бандлигини таъминлашга хизмат қилди.

Шунингдек, ушбу завод атрофида 5 та корхона ташкил этилиб, 1000 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Жумладан, «Хоразм автомобил ишлаб чиқариш бирлашмаси» ва унга бутловчи ҳамда эҳтиёт қисмлар етказиб беришга ихтисослашган масъулияти чекланган жамият шаклидаги «ЎзДонг-Янг», «ЎзТонг-Хонг», «ЎзКорам» ҳамда «ЎзСЭ Мюнг» корхоналари фаолият бошлади.

Йирик ишлаб чиқариш субъектларидан яна бири Урганч шаҳрида жойлашган. «Урганч экскаватор» корхонаси ёнидан ўтаётган иморатлар диққатингизни тортиши шубҳасиз. Ичкаридаги жараён янада ҳайратла-

нарли. Бу ерда Хитойнинг «Хуаю Конструкторн Мачинари Групп Ко.Лтд» компанияси билан ҳамкорликда 18,2 млн. доллар миқдорда инвестиция киритиш ҳисобига йиллик қуввати 200 дон гидравлик экскаватор ва булдозерлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган «ЎЗХМЖ» қўшма корхонаси фаолияти йўлга қўйилган. Марказий Осиёда ягона бўлган корхонада 200 га яқин юртдошимиз меҳнат қилади. Ўтган йили бу ерда 155 дондан ортиқ 18,4 млн. долларлик экскаватор ва булдозерлар ишлаб чиқарилди.

▲(2-3).

Ўзбекистон халқ демократик партияси ва «Адолат» социал-демократик партиясининг пленумлари

2016 йил 17 сентябр кuni Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг навбатдаги VI Пленуми бўлиб ўтди.

Пленум иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида партиянинг муносиб иштирокини таъминлаш борасидаги вазифалар, Ўзбекистон Халқ демократик партиясида Ўзбекистон Республикаси Президентлигидан келиб буюк номзод кўрсатиш, Ўзбекистон ХДПнинг Х Қурултойини қақриш ва унинг кун тартиби, партия қурултойига вакиллик меъёри ва уларни сайлаш тартиби тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилди.

Пленумда сиёсий партиялар учун яратиб берилган кенг ҳуқуқ ва имкониятлардан тўла фойдаланиб, партиянинг дастурий мақсад ва голялари ҳамда унинг электорати манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтадиган сайловда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг муносиб иштирокини таъминлаш борасидаги долзарб вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Кун тартибидagi асосий масала — Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш масаласи ҳам алоҳида муҳокама қилинди.

Бу борда партия электорати, тарафдор ва фаоллари томонидан тавсия этилган ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси, партия фракцияси раҳбари Хотамжон Абдураҳмонович Кетмонов партиядан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига партиянинг Қурултойида кўриб чиқиш учун номзод сифатида кўрсатилди.

Шунингдек, Пленумда Ўзбекистон

ХДПнинг Х Қурултойини жорий йилнинг 14 октябр кuni қақриш ва унинг кун тартиби ҳамда партия Қурултойига вакиллик меъёри ва уларни сайлаш тартиби каби масалалар атрофида муҳокама қилинди.

Сўзга чиққанлар томонидан сайловда тарғиботи даврида партия ташкилотлари ва фаолларининг самарали иш юритиши, қонун билан белгиланган ваколатлари тўла ишга солган ҳолда, биринчи навбатда юртимиздаги мазкур муҳим сиёсий жараёнлардан аҳолининг ҳабардорлигини оширишга қаратилган тарғибот тадбирларининг сифати ва самарадорлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Билдирилган тақлиф ва тавсияларни инобатга олган ҳолда, муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан ЎзХДП Марказий Кенгаши VI Пленуми тегишли қарорларни қабул қилди.

2016 йил 17 сентябр кuni Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг VI Пленуми бўлиб ўтди.

Мажлисида Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг жорий йилнинг 4 декабр кuni бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги иштироки тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Мамлакатимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу жараёнда партиянинг муносиб иштирок этиши зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Партия Сиёсий Кенгаши аъзолари Президент сайлови демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг муҳим белгиси, халқнинг хоҳиш-ирода-

си эркин ифодаланиши, жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокининг асосий шакли эканини қайд этди.

Ўз навбатида «Адолат» СДПнинг дастурий мақсад ва вазифалари ўзида аҳоли манфаатларини ифода этиши ҳамда бўлажак сайлов партия голяларини яна бир бор сайловчилар орасида кенг тарғиб қилиш, партиядан кўрсатиладиган Президентликка номзоднинг сайловдаги дастури орқали электорат манфаатларини янада чуқурроқ ифода-лаш имконини бериши таъкидланди.

Муҳокамалар давомида Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиши мақсадга мувофиқ, деб топилди. Мазкур масалада, партия электорати ва тарафдорларининг хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб, Сиёсий Кенгаш раиси, партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Наримон Мажитович Умаров номзодини партиянинг навбатдаги VIII Қурултойида кўрсатиш тақлифи қўллаб-қувватланди.

Партиянинг ушбу сайловда иштироки билан боғлиқ масалалар унинг олий органи — Қурултойида ҳал қилинишидан келиб чиққан ҳолда мажлис қатнашчилари Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг навбатдаги VIII Қурултойини 2016 йилнинг 15 октябр кuni Тошкент шаҳрида қақрилишини белгилаб олди.

Пленум иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашиш мақсадида тайёргарлик ишларини кучайтириш, Марказий сайлов комиссиясига белгиланган ҳужжатларни ўз вақтида тақдим қилиш каби масалаларга тўхталиб ўтди.

▲(2-3)

Ифтихор

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказилган XV ёзги Паралимпия ўйинлари ниҳоясига етди. Ўзбекистон терма жамоаси мусобақа дастурига киритилган спортнинг 5 та турида (енгил атлетика, сузиш, дзюдо, ўқ отиш, оғир атлетика) 32 спортчи билан иштирок этди.



Ўттиз икки иштирокчи — ўттиз бир медал

ёхуд спортчиларимизнинг оламшумул натижалари

Тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасида медаллар учун курашга киришган паралимпиячиларимиз яқунда тарихий натижани қайд этишди. Жами 31 медал қўлга киритилди.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ узоқни кўлаб ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш давлат сиёсатининг муҳим йўналиши эътиборга олинди. Жисмоний тарбия ва спорт умуммиллий ҳаракатга айланди.

Мана бутун кўриб турибмизки, анбана тусини олган уч босқичли спорт тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақалари ёшларни спортга кенг жалб этиш, профессионал спортчиларни тарбиялашда алоҳида ўрин тутмоқда.

Мутлақо янги асосда бунёд этилган таълим-тарбия, спорт ва маданият масканларида замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, Ўзбекистоннинг буюк келажagini ўз куч-қуввати, ақл-заковати билан қуришга қодир ёш авлод қамол топмоқда. Улар нуфузли халқаро мусобақаларда, олимпиада ва жаҳон чемпионатларида ҳеч қимдан кам эмаслигини ва ҳеч қачон кам бўлмамлигини амалда исботлаётгани барчамизда фахр-ифтихор туйғуларини жўш урдирмоқда.

Медаллар шодасининг 8 таси олтин, шунингдек, терма жамоамиз ҳисобида яна 6 та кумуш ҳамда 17 та бронза медалидир. Мусобақаларнинг сўнгги курашга киришган паралимпиячиларимиз Нозимжон Қаймова 44,58 метр натижа билан жаҳон рекордини ўрнатган ҳолда Паралимпия ўйинларининг олтин медалига сазовор бўлганида ўзига хос рамзий маъно бор.

▲(4).

Сайлов — 2016

Марказий сайлов комиссиясида

2016 йил 19 сентябр кuni Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига мурожаат қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун зарур ҳужжатларни тақдим этди.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»-ги қонуннинг 24-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар эгадирлар.

Бунда сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан қамаида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тақдирдагина Ўзбекистон Республикаси

Президентлигига номзод кўрсатиши мумкин. Мазкур қонуннинг 24-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун сиёсий партия сайловга қамаида етмиш кун қолганида Марказий сайлов комиссиясига сайловда иштирок этиш тўғрисида партия раҳбари томонидан имзоланган ариза, Адлия вазирлигининг сиёсий партия рўйхатга олинганлиги кўрсатилган маълумотномаси,

Президентлигига номзод кўрсатиши мумкин.

Мазкур қонуннинг 24-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун сиёсий партия сайловга қамаида етмиш кун қолганида Марказий сайлов комиссиясига сайловда иштирок этиш тўғрисида партия раҳбари томонидан имзоланган ариза, Адлия вазирлигининг сиёсий партия рўйхатга олинганлиги кўрсатилган маълумотномаси,

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзод тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиши лозим.

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партияларнинг ваколатли вакилларига ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана қайд этилган маълумотномани берди.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида беш кунлик муддат ичида сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишга ихозат бериш тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилди.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»-ги қонунга мувофиқ, сайловда иштирок этиш учун партияларнинг рўйхати аризалар қабул қилиниши навбатига қараб марказий матбуотда эълон қилинади.

▲(4)

Давра суҳбати

Ҳуқуқий имтиёз ва имкониятлар

Чирчиқ шаҳридаги Саноат касб-хунар коллежида Тошкент вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ташаббуси билан ҳудудий адлия, меҳнат бошқармалари вакиллари иштирокида «Ёшларнинг меҳнат ҳуқуқлари. Соҳада улар учун яратилаётган имтиёз ва имкониятлар» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Ўқувчи ёшлар иштирок этган тадбирда касба уюшма ҳуқуқшунослари Меҳнат кодексига киритилган ўзгартиришлар, жумладан, 84-моддага таълим муассасаларини тамомлаб 3 йил ичида биринчи бор ишга қираётган битирувчиларга синов муддати белгиланмаслиги, кодекснинг «Ёшлар учун қўшимча кафолатлар» бўлими тўғрисида маълумотлар беришди. Ишни ўқиш билан бирга олиб борадиган ёшларга яратилган имтиёзлар тушунтирилди. Ёшларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоа шартномаларининг аҳамиятига тўхтаб ўтилди. Мамлакатимизда ратификация қилинган ХМТнинг Конвенциялари ва бошқа меҳнат соҳасига дахлдор халқаро келишув ва шартномалар ҳақида маълумот берилди.

Шунингдек, ҳуқуқшунослар ўқувчиларнинг ишга жойлашиш учун иш бевуқига тақдим қилиш зарур бўлган ҳужжатлар, қисқартирилган иш вақти, тунги ишлар, иш вақтидан ташқари ва дам олиш кунларидаги, меҳнат таътили вақтидаги ишлар тўғрисидаги қўллаб-қувватловчи батафсил жавоб қайтаришди.

Давра суҳбатлари вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ўтказилмоқда.

Н.ТЕМИРОВ,
бирлашма кенгаши
юридик бўлими мудир

Ижтимоий шериклик

Барча шароит мавжуд



«Навоийазот» АЖда «Жамоа шартномалари ва келишувлари доирасида ходимларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» мавзусида семинар ўтказилди. Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши ҳамда «Навоийазот» АЖ касба уюшма кўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда мутахассислар, иш бевуқчилар ҳамда бошланғич касба уюшма кўмиталари етакчи ва фаоллари қатнашди.

Анжуманда фуқаролар бандлиги, муносиб меҳнат шароитлари таъминланиши бўйича Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсати, ходимлар ҳамда улар оила аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар, меҳнат муҳофазаси йўналишида олиб борилаётган тизимли ишлар алоҳида қайд этилди.


Мамлакатимизда меҳнат соҳасидаги қонунчилик ва ижтимоий-меҳнат муносабатлари борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар халқаро стандартларга тўла мос келаётгани, айрим масалаларда устуликка эга эканлиги таъкидланди. Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш ҳуқуқлари тўла таъминланган бўлиб, ёшлар бандлигини таъминлаш, хотин-қизлар учун муносиб меҳнат шароитлари яратиш ва уларга бола парвариши учун қўшимча таътиллари, оналарга қўшимча тўловлар бериш борасида алоҳида имтиёз ва кафолатлар ўрнатилган. Шунингдек, жамоатчилик назоратини амалга ошириш, давлат, иш бевуқчилар ва касба уюшмалари ўртасида конструктив ижтимоий мулоқотни йўлга қўйиш, касба уюшмаларига ходимлар, хусусан, хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳимоясини амалга ошириш учун кенг ҳуқуқ берилганлиги ва шу мақсадда қўллаб-қувватланган тадбирларнинг мазмун-моҳияти очиб берилди.

Маърузалар ва муҳокама этилган масалалардан келиб чиққан ҳолда ишчи-ҳодимларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш бўйича иштирокчилар томонидан тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Бахром ҚУВВАТОВ,
Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари
касба уюшмаси Республика кенгаши бош
мутахассиси

Бу муқаддас Ватанда

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ:



№(1).

Воҳада энгил саноат ҳам тобора ривожланмоқда. 2008 йилда вилоятда пахта толасини қайта ишлаш қувватлари 18,5 минг тоннани ташкил қилган бўлса, 2015 йилга келиб «Хоразм текс», «Жиласун Тошкент» ҳамда «Хоразм гиламлари» масъулияти чекланган жамиятлари, «Ўзтекс Шовот», «Шовот текс» қўшма корхоналари ишга туширилиши ҳисобига

ушбу кўрсаткич 29,6 минг тоннага етказилиб, жами етиштирилаётган пахта хом-ашёсининг 38,6 фоизини қайта ишлаш имконияти яратилди.

Эндиликда вилоятдаги тўқимачилик корхоналари томонидан йилга ўртача 3 миллиард сўмдан ортиқ тай-ёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Бу каби янгиланишлар натижасида ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ошмоқда.

ТУРИЗМ — РИВОЖЛАНГАН СОҲАЛАРДАН БИРИ

Хоразм ҳақида сўз кетганда, туризм соҳасига тўхталмасликнинг иложи йўқ. Вилоятда 256 та маданий мерос объекти мавжуд. Уларнинг 18 таси археология, 134 таси архитектура, 66 таси ҳайкалтарошлик ёдгорликлари, 6 таси диққатга сазовор жойлар ва 32 таси муқаддас қадимжолардир.

2013 — 2015 йилларда вилоятда туризм соҳасини ривожлантириш дастури доирасида белгиланган чора-тадбирларни амалга оширилиши натижасида Хоразмга ташриф буюраётган сайёҳлар кейинги уч йилда 38 минг нафардан 40,9 минг нафарга етди. 82 та давлатдан сайёҳлар келишига эришилди. 18 та туристик ташкилот ва 2060 ўринли 44 та меҳмонхона томонидан уларга юқори даражада хизмат кўрсатилмоқда. Меҳмонхоналарнинг 5 таси чет эл инвестициясини жалб қилган ҳолда ташкил этилган. Ўтган йили жами экспорт ҳажмининг 31 фоизи туризм соҳасига тўғри келди.

Туристарга янги сайёҳлик йўналишларини тақдим қилиш мақсадида Хива туманида

«Боги шамол», «Хива қорақўл» фермер хўжалигида, «Эшон Работ» кўлида, Богот туманида «Қалажик қалъа», Урганч туманида «Улли ҳовли» объектида янги сайёҳлик инфратузилмалари ташкил этилди. Сайёҳларнинг мароқли ҳордиқ чикаришини таъминлаш ҳам муҳим. «Достон фольклор», «Хива фольклор» этнографик халқ ансамбли ва «Сайқал» оилавий фольклор ансамблидан иборат бадий жамоалар «Оллақулихон» мадрасасида мавсум давомида ҳар куни хорижий сайёҳларга ўз концерт дастурларини намойиш қилмоқда.

Мунтазам уюштирилаётган фестиваллар ҳам сайёҳлар диққатини тортмоқда. «Хоразм маданияти», «Гурвак — Хоразм қовунчилиги рамзи» фестивалларини ўтказиш аниқ тусига кирган. Бу йил халқачилик йўналишида биринчи республика танлови ташкил қилинди. Яқинда эса Ичан қалъада «Рақс сеҳри» халқаро фестивали бўлиб ўтди.

«Боги шамол», «Хива қорақўл» фермер хўжалигида, «Эшон Работ» кўлида, Богот туманида «Қалажик қалъа», Урганч туманида «Улли ҳовли» объектида янги сайёҳлик инфратузилмалари ташкил этилди. Сайёҳларнинг мароқли ҳордиқ чикаришини таъминлаш ҳам муҳим. «Достон фольклор», «Хива фольклор» этнографик халқ ансамбли ва «Сайқал» оилавий фольклор ансамблидан иборат бадий жамоалар «Оллақулихон» мадрасасида мавсум давомида ҳар куни хорижий сайёҳларга ўз концерт дастурларини намойиш қилмоқда.

Мунтазам уюштирилаётган фестиваллар ҳам сайёҳлар диққатини тортмоқда. «Хоразм маданияти», «Гурвак — Хоразм қовунчилиги рамзи» фестивалларини ўтказиш аниқ тусига кирган. Бу йил халқачилик йўналишида биринчи республика танлови ташкил қилинди. Яқинда эса Ичан қалъада «Рақс сеҳри» халқаро фестивали бўлиб ўтди.

СПОРТ — ТИНЧЛИК ВА СОҒЛИК ГАРОВИ

Ушбу заминга кураги ерга тегмаган Паҳлавон Маҳмуд ҳазратларининг киндик қони тўкилган. Бугун ҳам қўллаб-қувватловчи халқаро спорт му-

собақаларида юртимиз байроғини кўкларга кўтаришга муваффақ бўлмоқда. Бразилияда бўлиб ўтган олимпия ва паралимпия уйинларида 8 нафар хоразмлик спортчи юртимиз шаънини ҳимоя қилди. Бу, шубҳасиз, мамлакатимизда спортни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, яратилаётган шарт-шароитлар самарасидир.

Айтайлик, кейинги саккиз йилда болалар спортини ривожлантириш самараси маблағи ҳисобига мактаблар учун 54 та янги спорт зали куриб берилди ва 68 та спорт иншоотида реконструкция ишлари амалга оширилди. Уларга 6,6 млрд. сўмлик спорт жиҳозлари олиб берилди. Ҳозирда вилоятдаги 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган 193,7 минг нафар ёшлардан 151,9 минг нафар спорт машғулотларига қатнамоқда. Шундан мунтазам спорт билан шуғулланувчилар 41,9 минг нафарни ташкил қилади.

Ўтган йил Урганчда барпо этилган спорт шаҳарчаси ёшу кекага бирдай қувонч бахш этди. 10 гектар майдонни эгаллаган «Ёшлик» спорт мажмуаси нафақат вилоятда, балки республика-мизда ҳам ўзининг ноёбли-

Эътибор ва ғамхўрлик ифодаси

Чорак аср ортга назар ташлар эканмиз, эришилган муваффақиятлар ҳар биримизни қувонтириши аниқ. Тараққиётга ўз-ўзидан эришилмайди. Давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати ва халқимизнинг меҳнатсеварлиги, эртанги кунга ишончи тўғрисидаги чорак асрда юз йилларга тенг натижалар қўлга киритилди. Фикримни асослаш учун бир мисол келтираман. Мамлакатимиз Биринчи Президентининг 2012 йил 22 ноябрдаги «2013 — 2015 йилларда Хоразм вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 2013 — 2015 йилларда вилоятда 432 та саноат корхонаси фаолият бошлади. Хоразм автомобил заводи ишга туширилди, «Дамас», «Орландо» русумли автомашиналар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, «Лабо» кичик юк машинаси ишлаб чиқарилиши деҳқон, фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланувчилар учун аини мудоао бўлди.

Шу ўринда қисқа муддатларда амалга оширилган бунёдкорлик натижасида Урганч шаҳри таниб бўлмас қиёфага кирганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бундан 2-3 йил олдин Хоразмга ташриф буюрган киши бугун шаҳарда адашиб қолиши ҳеч гап эмас.

Марказий Осиёда ягона бўлган ёпиқ спорт манежи мажмуасида бир вақтинч ўзидан спортнинг 7 тури бўйича 185 нафар ёш шуғулланиши мумкин. Буни келажакимиз эгаларига кўрсатилаётган улкан ғамхўрлик деб биламиз. Айниқса, Урганч шаҳридан ўтувчи Шовот каналининг 7,3 км. узунлигида иккала қирғоғи атрофида 89,5 гектар майдонда қурилиш ва ободонлаштириш ишларининг амалга оширилиши, замонавий жиёбонларнинг бунёд этилиши натижасида шаҳар аҳолиси ва меҳмонларнинг яхши ҳордиқ чикариши, болаларнинг эса спорт билан шуғулланиши учун зарур шароит яратилди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида касба уюшмалари ҳам фаол қатнашиб, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, меҳнати, соғлигини муҳофаза қилиш борасида салмоқли ишларни амалга оширмоқда. Сўнгги йилларда меҳнат ахли ҳимоясини таъминлаш масаласи касба уюшмалари олдидаги асосий вазифалардан бирига айланди. Ушбу мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда янги касба уюшма ташкилотлари тузилиш, айниқса, буни нодавлат саноатиди корхоналарда ташкил этиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 1113 та ташкилот тузилиб, 5956 нафар ходим касба уюшмасига жалб этилди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси VII Қурултойи тизим фаолиятида том маънода бурилиш ясади, десак хато бўлмайди. Касба уюшмалари тузилмаси ва фаолиятининг такомиллаш-

тирилиши жамоат ташкилотининг жамиятда тутган ўрни ва мавқеини янада оширди. Бош келишув асосида вилоят ҳокимлиги, вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси ўртасида минтақавий келишувнинг имзола-ниши корхона, ташкилот ва муассасаларда қабул қилинадиган жамоа шартномалари мазмун-моҳияти, сифатини тубдан яхшилаш имконини берди. Келишув ва шартномаларга қўшимча имтиёзлар, аёллар ва ёшлар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш бўйича чоралар, Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенцияларини амалга ошириш, халқаро меҳнат стандартларини жорий этиш бўйича мажбуриятлар киритилишига эришилди. Ҳозирда вилоятда 8771 та жамоа шартномаси имзоланган бўлиб, уларда 263 мингга яқин ишчилар манфаати ифодаланган.

Жорий йилнинг 6 ойида «Соғлом она ва бола йили» дастури тадбирлари ва жамоа шартномалари орқали 539 та корхонада 1461 нафардан зиёд эҳтиёжманд оилалар вакилларига моддий ёрдам кўрсатилди. 154 та корхонада фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган 320 нафар онага қўлмак берилди. Қолаверса, олий ўқув юртиларида тахсил олаётган талабалар контракт пулларининг бир қисмини қоплашга, камҳарж, боқув-чисини йўқотган оилалар фарзандлари учун дарслик ва ўқув қуроллари харид қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Ёш авлоднинг юртимиз тараққиётига хизмат қилувчи баркамол инсонлар бўлиб етиштирилиши таъминлаш йўлида касба уюшмалари томонидан олиб борилаётган бу каби чора-тадбирлар меҳнатқаш-лар томонидан эътироф этилмоқда.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ижтимоий ҳимоянинг муҳим кўрсаткичларидан саналади. Шу боис бу масала касба уюшмалари диққат марказида



бўлиб келмоқда. Дастур асосида янги иш ўринлари ҳақиқатан яратилганлиги мониторинг қилиб боришмоқда. Жумладан, жорий йилнинг иккинчи чораги давомида касба уюшмалари томонидан 372 та корхона ва ташкилотда 2069 та янги иш ўрни яратилгани ўрганиб чиқилди. Ҳозирда 46 та корхонада 429 нафар касаначи меҳнатидан фойдаланилмоқда. Улар касба ушма аъзолари ҳамда жаббонлар билан бўлиб қилинган. Бу йил касба уюшмалари томонидан мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан ҳар бир туман ва шаҳарда 25 тадан янги иш ўрни яратиш гоёси илгари сурилди. Шу асосда вилоятимизда ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган даврда 135 та янги иш ўрни очилган муваффақ бўлинди.

Шу кунларда болаларни ёзги соғломлаштириш ишлари якунига етди. Мавсум давомида вилоятимиздаги 31 та оромгоҳда 8498 нафар бола соғломлаштирилди. Шунингдек, Тошкент вилоятидаги оромгоҳларда 1250 нафар, Қашқадарёдаги оромгоҳларда 250 нафар ўғил-қиз бепул дам олдирилди. Улардан 60 нафари «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчиларидир.

Ходимларни соғломлаштириш борасида ҳам муайян ишлар қилинмоқда. Шу ўринда кейинги йилларда мамлакатимиз аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий имкониятлари юқалиб бораётганини нафақат турмуш фаровонлигида, балки уларнинг ўз соғлиғига бўлган эътиборида ҳам акс этаётганини таъкидлаш жоиз. Жорий йилнинг ўтган даврида ижтимоий сугурта маблағи

ҳисобидан 570 нафар, касба уюшма маблағи ҳисобидан 659 дан ортиқ аъзо санаторийларда соғломлаштирилди. Кенг қамровли фаолият натижасида меҳнатқашларнинг касба уюшмаларига бўлган ишончи ортиб бораётганини кейинги йилларда мурожаатлар сонининг кескин ортгани мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Жумладан, жорий йилнинг биринчи ярмида вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан 53 та ёзма, 4 та оғзаки ва 3 та «Ишонч телефони» орқали келган мурожаатлар кўриб чиқилиб, аксарияти ижобий ҳал қилинди ва муаллифларга тегишли ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда, олдимизда катта вазифалар ҳам турибди. Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси фаолиятининг 2016 — 2020 йилларга мўлжалланган стратегик йўналишлари, жорий йил учун белгиланган устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир бошланғич ташкилот, туман, шаҳар кенгашлари фаолиятини Устав талаблари асосида йўлга қўйиш, касба уюшма афзалликларини кенг тарғиб қилиш, нодавлат сектори тизимидидаги корхона ва ташкилотларда ишловчи ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий муҳофазасини яхшилашга қаратилган тадбирларни кучайтиришга эътибор янада кучайтирилади.

Равшан ЖАБОРОВ,
Хоразм вилояти касба уюшма
ташкилотлари бирлашмаси
кенгаши раиси

азиздир инсон!

нурафшон бахти

ги билан ажралиб туради. — 14 ёшимда қишлоғимизда янги қурилган болалар спорти мажмуасига қатнаб, миллий кураш бўйича шугуллана бошладим. Етти йил ичида олти карра Ўзбекистон, бир карра Осиё, 2012 йилда эса Жаҳон чемпиони бўлдим, — дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Гулёр Отажонова. — Хар гал майдонга тушаётганимда муҳтарам Президентимизнинг «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз!» деган сўзларини ичимда қайта-қайта такрорлайман. Бу менга куч бағишлайди.

Вилоятда Гулёр каби кўсини медаллар шодаси беэаб турган ёшлар кўпчилиги ташкил қилади. Улар юрт шаъни, кадр-қимматини кўқларга кўтаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйишган.

ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИ ОШМОҚДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ишловлар бир мақсадни кўзлайди. У ҳам бўлса халқимизнинг тинч ва фаровон, обод турмуш кечиришини таъминлашдир. Юртдошларимизнинг ҳаёт тарзини кузата-туриб, бунга аллақачон

эришганлигини кўраемиз. Қачонлардир бир қути гурт учун тўрт-беш чақирим йўл босишга тўғри келган бўлса, бугун остона ҳатлаб чиқсангиз бас, турли-туман мол билан тўла дўконларга дуч келасиз. Қишлоқ одамлари яхши эслашади, транспорт масаласи энг катта муаммолардан бири эди. Асфалт йўлга етиш учун ярим соатлаб йўл юриш, автобусни ҳам камида ярим соат куттишга тўғри келарди. Ҳозир бу каби муаммоларни тасаввур қилиш ҳам қийин. Яна рақамларга мурожаат қилсак. Кейинги етти йилда вилоятда 86 та «гузар» савдо мажмуаси, 80 та сунъий футбол майдончаси, 49 та хизмат кўрсатиши маркази, 12 та фитнес клуб, 19 та кимёвий тозалаш ва 1 та гипермаркет ташкил қилиниб, 70 турдан ортққ замонавий хизматлар кўрсатилишига замин яратилган. Ушбу чора-тадбирлар пировардида аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилиб, юртдошларимизнинг қулай шароитларда ҳаёт кечиришини таъминламоқда.

— Вилоятнинг кейинги етти-саккиз йилдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таҳлил қилиш жараёнида

аҳолининг (хар 100 та оилага) 12 турдаги замонавий маиший хизмат кўрсатиши техникалари билан таъминланганлик даражаси 2007 йилга нисбатан сезиларли даражада ўсганлигини кўрдик, — дейди иқтисод фанлари номзоди Баҳодир Бобоносов. — Жумладан, шахсий компютер билан таъминланганлик даражаси 32,9 мартага, электр чанг-юткичлар билан — 7,1 мартага, мобил телефонлар билан — 2,5 мартага, автомобиллар билан — 2,2 мартага, телевизорлар билан — 29,3 фоизга, кир ювиш машиналари билан — 24,4 фоизга, музлаткичлар билан таъминлангиш 18 фоизга ошган.

Қулайликлар қўлама тобора кенгаймоқда. Элдодларимиз истиклол нуридан баҳраманд бўлиб, Ватан олдидаги масъулиятни ҳис қилган ҳолда, эртаимиз бугунимиздан-да гўзал бўлиши йўлида меҳнат қилаётир. Кекасалиримизнинг қўллари муқом дуога очилган. Болаларимизнинг кўзларидан кувонч, юзларидан қулгу аримайди. Булар чорак аср давомида амалга оширилган улкан ишлар, чекилган захматлар меваси.

Мухаббат Тўрабоева,
«Ishonch» мухбири

Ўтган чорак асрда юртимизда турли соҳаларда, жумладан, тиббиётда мисли кўрилмаган ўзгаришлар содир бўлди. Натижада, вилоятимизда ҳам аҳолига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Хусусан, кардиожарроҳлик айнан истиклол тўғриси ривожланган соҳалардан ҳисобланади.

Бедор уриб турсин юраклар

Вилоят кардиология маркази ва кардиожарроҳлик бўлими бирлаштирилиб, Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази Хоразм филиали ташкил қилиниши натижасида юрак ва қон-томир касалликлари текшируви, консерватив ва жарроҳлик ёрдами юқори малакали шифокорлар томонидан бир жойда амалга оширилмоқда.

Бўлимимиз 20 ўринга мўлжалланган. Марказ директори, тиббиёт фанлари номзоди Анвар Сагиров республикамизда таъқли шифокорлардан. У бошчилигида шифохонамизда катта ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Ландшафт дизайн асосида яратилган наботот олами дарвозадан кирган ҳар қандай бемор юрагига ҳушудлик бахш этгани аниқ. Шу йиллар мобайнида шифохонага замонавий, юқори технологик текшириш ва даволаш асбоб-ускуналари олиб келтирилди.

Марказда ҳозирги кунгача 2700 дан ортққ юқори технологик юрак-қон томир операциялари амалга оширилди. Ҳамкасбларим Рашид Нуруллаев, Хушнуд Назаров, Бекпўлат Ҳажиев, Санъат Собуров, олий тоифали операция ҳамшираси Нурия Носировалар билан бирга хар бир жарроҳлик амалиёти муваффақиятли амалга оширилиши учун бор билим ва маҳоратимизни ишга солаемиз. Баъзи амалиётлар етти-саккиз соатлаб давом этади. Бундай шароитда ҳамкасбларимга матонатли бўлишни таъқидлайман. Қуранбой Абдураҳмонов бошчилигидаги кардиореанимация бўлимининг олий тоифали анестезиолог-реаниматологлари Мақсуд Раҳимов, Қажрамон Янгитбоев, перфузиологлар Иброҳим Мадримов, Музаффар Салаевлар бизга ақин қўмақдош.

Бўлимимиз академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази ва Жанубий Корея кардиожарроҳлари билан алоқа ўрнатган. Биргаликда турма ва орттирилган юрак нуқсонларини жарроҳлик йўли билан даволаш йўлга қўйилиб, тажриба алмашилмоқда. Жумладан Жанубий Корея кардиожарроҳлари билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикасида турма юрак порогои билан туғилган 10 та бола жарроҳлик йўли билан даволаниб, соғломлаштирилди. Ўтган йили 50 нафар ва жорий йилнинг ўтган даврида шундай нуқсон билан туғилган 24 нафар бола жарроҳлик йўли билан соғломлаштирилди.


Ҳа, бир пайтлар имконсиз саналган, ҳозир ҳам дунёнинг нуфузли клиникаларида катта пул эвазига бажарилаётган жарроҳлик амалиётлари бугун вилоятимиз шифохонасида амалга оширилмоқда.

Яна бир жиҳат. Биз шифокорлар меҳнати муносиб рағбатлантирилмоқда. Жамоа шартномаси асосида иш ҳақига турли қўшимчалар қўшилган. Соғломлаштириш комплексимизда касба уюшмаси ташаббуси билан ходимларга бепул хизмат кўрсатилади.

Элдодларимизнинг дардига малҳам бўлиш учун жамоамиз билан бирга туну кун хизматдаемиз.

Маткарим СОБИРОВ,
Республика ихтисослаштирилган Кардиология маркази вилоят филиали кардиожарроҳлик бўлими бошлиғи,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тиббиёт ходими

Юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ақлни шоширади. Ион ойида бошлаб юборилган Амударё остидан кесиб ўтиб, «Газли-Нукус» ва «Бухоро-Урал» магистрал газ қувурларини бирлаштирувчи Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудидан ўтувчи узунлиги 74 километр бўлган магистрал газ қувури ва «Урганч-2» газ тақсимлаш шохобчаси қурилиши ҳам шулар сирасидан.



Газимиз ўзимизнинг қувурда

Илгари бундай йирик қурилишлар хорижий давлатлар компаниялари иштирокида амалга оширилган эди. Мазкур лойиҳа эса маҳаллий кадрлар томонидан бажарилаётганлиги билан аҳамиятга молик. «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси тизимидagi қорхоналар ходимлари ушбу масъулиятни юмушни зиммасига олишган. Бургулаш ишларида 500 нафарга яқин ишчи, муҳандис-техник ходимлар, 200 га яқин махсус техника воситалари жалб этилган. Жамоамиз ҳам мазкур қурилишда фаол иштирок этмоқда.

Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 120 миллиард сўмни ташкил қилади. Йирик газ қувури ўтадиган ҳудудлардаги 69 канал, коллектор, автомобил ва темир йўлларни кесиб ўтган ҳолда газ қувурларини ётқизиш ишлари якунланди. Шунингдек, Амударё остидан горизонтал қия улаш усули билан хар бирининг узунлиги 850 метр бўлган газ қувури ўтказилди.

Умрбек МАТКАРИМОВ,
«Урганчтрансгаз» шўъба қорхонаси бошланғич касабга уюшма қўмитаси раиси ўринбосари

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги тармоқлари ривожланиб бормоқда. Буни фермер хўжалигимиз фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Чунонки, дастлаб экин майдонларимиз 7 гектарни ташкил этган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 45 гектарга етди. Ушунда санокли бўлган қорамолларимиз эндиликда 180 тадан зиёдини ташкил этмоқда. Бундан ташқари, 40 бош қўй, 1200 бош товугимиз ҳам бор. Ўтган йили 80 тонна сўт, тўрт тоннадан ортққ гўшт етказиб бердик.

Келажақда жамоамизни тўла-ўқиснаслчилик хўжалигига айлантириш ниятидаемиз. Шу мақсадда биноларни кенгайтириш, таъмирлаш, реконструкциялаш ишлари қизғин давом эттирилмоқда. Жорий йилда Самарқанд вилоятининг Пастдаргом туманидаги тармоққа ихтисослаштирилган хўжалиқдан мевали дарахтларнинг ярим пакана

Дехқоннинг қосаси оқарди

кўчатларини келтириб, бир гектар майдонда интенсив бог яратдик.

Кўрилаётган тадбирлар фаолият қўламини янада кенгайтириш, иқтисодий самарадорликни ошириш гарови бўлмоқда. Даромадимизнинг салмоқли қисмини хўжалик моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий техника воситаларини харид этишга йўналтираемиз. Ҳозир бизда озуқа-экинчиларини экиш ва парваришладан тортиб, ўсимликлар донини йиғиштириб олиш, силос босиш босқичларигача барча жараёни бажариш имконини берадиган техника-тирков агрегатлари бор. Улардан унумли фойдаланиш орқали маҳсулот салмоқини ошириш, таннархини арзонлаштиришга эришяемиз.

Шу билан бирга, янги иш ўринлари яратиш алоҳида эътиборимизда. Айни кунда қишлоғимиздаги «Маданият» маҳалласида гузар қурилиши қизғин давом этапти. Ундан 500 кишилик тўйхона, этикчилик, тикувчилик цехлари, дорихона ва бошқа турли хизмат шохобчалари, шунингдек, фермер хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни сотиш дўконлари ўрин олади. Гузарни шу кунларда ишга тушириш мўлжалланапти. Натижада, 15 нафар йигит-қиз иш ўрнига эга бўлади.

Самандар САФОВЕВ,
Богот тумани Маданият қишлоғидаги «Барчин» фермер хўжалиги иш юритувчиси

Ёшлар учун янги уйлар

Ёшларга ғамхўрлик кўрсатиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан саналади. Шу боис ҳам уларнинг яшаш шароитини яхшилаш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар олиб борилаётир.

Вилоятда қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш мақсадида Осиё тараққиёт банки ҳамда Ҳукумат кафолати остида ажратилаётган маблағлар ва имтиёзли кредитлар асосида ўтган давр мобайнида 135 та массивда намунавий лойиҳалар асосида 4227 та уй-жой қурилди. Ушбу тураржойларнинг асосий талабгорлари ёшлар бўлмоқда. Шунингдек,

кейинги йилларда бунёд этилаётган «Камолот» уйлари ёш оилалар қувончига қувонч қўшаётир. Жумладан, ўтган йилларда Гурлан, Хива ва Хонқа туманларида шундай уйлар қад ростлади. Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида Урганч шаҳрида бунёд этилган 4 қаватли 32 хонадонга мўлжалланган «Камолот» уйи ўз эгаларига тақдир



этиди. Барча қулайликка эга уйлар халқаро ва республика танловларида ғолиб бўлган ёш спортчиларга, фан, санъат ва маданият соҳаларида иқтидорини намойён қилган йигит-қизларга, ёш оилаларга «Асака» очққ тижорат банки вилоят филиалининг имтиёзли кредити асосида 20 йил муддатга 5

йил имтиёзли давр билан бошланғич бадал туловларисиз берилди.

Камолитдин РЎЗМЕТОВ,
Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касабга уюшмаси Хоразм вилоят бирлашган қўмитаси раиси

Кўсаҳифани «Ishonch» мухбири Мухаббат Тўрабоева тайёрлади.

Ким эдигу ким бўлдиқ?

Ўтган кунлар ҳикмати

Отан раҳматли мудом ўқтирарди:
— Ўғлим, ўтаётган хар бир кўннинг ҳақи яраша ҳикмати бор, яхшилаб назар солсанг, ўзинг учун бирон янглик қасф этасан, шу боис орқа-олдинга нигоҳ ташлаб, яхшисига ёндашиш, ёмондан қочишни ўрганишинг лозим. Шунда ҳаётинг мазмундор бўлади...

1

Рамазон ойининг дастлабки кунлари. Қуёш ётоғига бош қўйган палла супада майин шабададан ҳузурланиб ўтирдим, узоқдан болаларнинг қувилмаси, итларнинг безовталаниб ҳуриши эшитилди. Қоришиқ ғала-говурлар дарвозахонамизга яқинлашиб келаверди.

— Ур-ре, ё рамазон-чилар келди.
Момоси билан «Болажон» телеканали кўрсатувларини кузатиб ўтирган Асқаршоҳ шаталоқ отганча шовқин солиб ёнимдан ўтди, изидан ҳай-ҳайлаганча қолдим.

Қизик, сеvimли телеканалдаги бирон кўрсатувни ўтказиб юбормайдиغان «саволжон» нима ўзига бунчалик чорлади экан? Кўп ўтмай дарвозахонадан шодумон қайтган набирамнинг сўзларидан саволига жавоб топдим:

— Болалар ёрамазон айтиб келишибди, ораларида синфдошларим ҳам бор экан.

— Уларга бирон нарса бердингми?

— Эжем (Асқаршоҳ момосини шундай атаиди, эже — туркманча она дегани) берган ширинликларни уладдим.

— Менга айтмайсанми, бир-икки сўм берардим.

— Шуниси яхши, пул ақилликларига раҳна солади, — деди Асқаршоҳ «шунинг ҳам билмайсанми?» деган оҳангда.

У бир зум ёнимда тайсаллаб турди, сезаман, дилида янги савол урмалапти, «харна энгилроғи бўлсин» дейман ўзимга-ўзим.

— Бобо, бизлардек вақтингиз сиз ҳам ёрамазон айтганмисиз?

Ана холос, жон жойимдан тутди-ку бу тирмизак. «Айтганман» десам ҳам, «айтмаганман» десам ҳам ёлгон бўлади. Беихтиёр болалик йилларим кўз ўнгимда намоеён бўлди.

— Боринглар, Ойширин, Оқил момолардан рамазон қўшиқларини ўрганиб келинглар, ҳадемай рўза ойи, бошқалар айтганда қараб турасизларми?

Саволларимиздан зада бўлган онамиз биздан кутулиш йўлини топади. Биргина рўзайишга маҳал ўтирганимиздан оёғимизни қўлга олиб, қўшни ховлига югурамиз. Рамазон қўшиқлари ўз йўлига, тенг-тушларимизни тўплаб тун ярмигача «яширинмачок» ёки «оқсуяк» ўйнаш имкони турилганидан севинаемиз. Тўғри, рамазон қўшиқларини ўрганишга ҳам майлимиз бор.

Иккиланганим боиси, «қизил империя» айни гуллаб-яшнаётган йиллар рўза, рамазон деган тушунчалар эскилик сарқити саналар, бутун бошли қишлоқда бир-икки қари-қартагн демасанг, намоз ўқийдиган, рўза тутадиган бандани топиш амримаҳол эди. Табиийки, болалик қизикчи устун келиб рамазон айтишга чиққан тенгдошларимиз ҳам юқорининг кўрсатмасини қулоқ қўймай бажаришга одатланган устозлар томонидан қийноқ-қистовга олинарди. Ўқитувчилар ёллаган фаол кашшофларга рамазон айтувчилар орасига сездирай қириб олиш хар дом ҳам осон бўлмас, шундай пайтлар улар ёрамазончиларни қўллари билан ушломас ва бошловчини овозидан таниб олишар, қарабсизки, навбатдаги «эскилик сарқити» кашшофлар сафланишида фаш этиларди. Шу боис рамазон айтишга чиқшдан кўнгил узоқмасак-да, бошловчи бўлишдан ўзимизни четга олишга уринардик. Бир гал фаол кашшофлардан бири «барибир ҳаммангини таниб олдим, тўхтанглар» деб изимиздан қувганида сафимиздан кимдир қоронғида ёввойи капталлар уя қурган, суви қуриган қудуққа тушиб кетиб, тонг отгунча ўша қўрқинчи жойда қолганини ҳамон қулишиб эслаемиз.

Асқаршоҳга шуларни айтсамми, деб лаб жуфтлайману, яна иккиланаман. Диний бағрикенглик таъминланган юртимизда ўсиб келаётган ёш авлодга бу каби гурунлар чўпқакдек туюлиши тайин, барибир ишониммайди...

2

Абдураҳим ака қўнғироқ қилди, овозидан сездим, нимадандир хайратга тушган. Ўзи иждоқор кишилар серҳажон бўлади. Қалбини тўлқинлантирган воқеани ёки биров билан баҳам қуради ёки қозоғга тушириб тинчиди:

— Шу кунларда «Қашқадарё соҳили»-да хордик чиқаряпман. Иш билан бўлиб анча вақтдан бўён Қаршига келмагандим. Танимай қолибман. Вей-й, бу дарё соҳилидаги сайлғоҳни кўрдимизми. Бирам гўзал, бирам гўзал. Қўчаларнинг ўзариб кетганини айтмайсанми, бирон бегона шахарга келиб қолдимми деб уйлабман...

Абдураҳим аканинг ҳаяжонланиши боисини тушундим. Хар қулик ўзгаришлар сенинг ҳуқуқингизда рўй бериб борса, кўз ўрғанади. Аммо дабдурустдан мутоққ ўзгаришни кўрсанг, кўзингга ишонинг келмас экан. Бугун мамлакатимизнинг қай гўшасига борманг, бунёдкорлик ишлари шохиди бўласиз. Айниқса, шахарсозлик соҳасида. Ўтмишда бир кварталда қурилган эгизак бинолар (безаклардан мосуво, тугурт кўчасига монанд кўп қаватли тураржой кварталлари) орасида адашиб қолишинг ҳеч гапмас эди.

— Тўғри айтасиз, Абдураҳим ака, ҳаммаси истиклол шарофатидан, — дейман жўшиб.

Абдураҳим ака Шаҳрисабзнинг Чоршанбасидан. Отахонимиз бемалол оёқ чўзиб, кексалик гаштини сурадиган ёшда. Аммо у киши жамики қалби уйғоқ инсонларга хос хислатлар соҳиб, бирон дақиқа ҳам юртимизда рўй бераётган туб ижтимоий-иқтисодий, маънавий-нафрийлик ишловлардан четда қолишни истамайдди. Абдураҳим акани гоҳ мактаб, коллеж толиби илмлари ўртасида истиклол берган бахтимиз шукронаси ҳақида суҳбатлар ўтказайтган маҳали учратсангиз, гоҳ умумхалқ хашарларига энг шимарган ҳолда қўрасиз. Кўрган-эшитганларини қозоғга тушириш, қалбига илҳом берган ўзгаришларни назимий сатрларга битиш у кишининг бир умрлик ҳамроҳи.

Сўзимнинг охирида шунинг таъқидлашни истардимки, кечаги кун ҳикмати бизга ўтмишининг долғали кунларидан хулоса чиқариб, бугунги омон-омон қуларимизга шукрона айтишдан сабоқ беракран...

Абдунаби АБДИЕВ,
Миришкор туманидаги 22-мактаб директори

СОЛИҚ ТўЛОВЧИ ЖИСМОИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272- ва 287-моддаларига асосан эғалигида солиқ солинадиган мол-мулк ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар ҳамда деҳқон хўжалиқлари жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади.

Солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиқларини тўлаш муддати ҳисобот йилнинг 15 октябрга қадар этиб белгиланган.

Ўз вақтида тўланмаган солиқ суммасига хар бир кечиктирилган кун учун қонунийликда белгиланган тартибда пеня ҳисобланиб, қарздорлик Суд тартибида мажбурий ундирувга қаратилади.

Шундай экан, мол-мулк ва ер солиқларини 15 октябрдан кечиктирмай тўлашни унутманг!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚўМИТАСИ

Тошкент молия институти ректорати ва касабга уюшма қўмитаси институтининг «Бухгалтерия ҳисоби» кафедраси катта ўқитувчиси **Нуриддин Тўрдимуродов** ва унинг фарзанди **АЛИЗАРБЕК**нинг бевақт вафоти муносибати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

ЎТТИЗ ИККИ ИШТИРОКЧИ – ЎТТИЗ БИР МЕДАЛ

ёхуд спортчиларимизнинг оламшумул натижалари



(1).

Тахсинга лойиқ яна бир жиҳат, спортчилар сонига нисбатан медаллар жамғариш борасида Ўзбекистон делегацияси 96,8 фоизлик натижа билан XV Паралимпия ўйинларида энг яхши кўрсаткичга эга бўлди. Бошқача айтганда, юртимиз паралимпиячилари умумжамоа ҳисобида 176 та давлат вакиллари орасида 16-ўринни, Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи, МДХ да Украинадан сўнг иккинчи, Осиёда Хитой ва Эрондан сўнг учинчи ўринни эгаллади.

Спортчиларимиз томонидан 6 та жаҳон, 7 та Паралимпия ўйинлари, 12 та Осиё рекорди ўрнатилди. Шу вақтга қадар бирор-та давлат вакиллари, яъни иштирокчилар сони ва кўлга киритилган медаллар сони бўйича бундай кўрсаткичга эга бўлмаган эди. Жуда кўп давлат делегациялари Ўзбекистон эришган ютуқларга хайрат ва ҳавас билан қараётгани бежиз эмас. Бу ютуқлар замирида халқимизнинг кўллаб-қувватлаши, давлатимиз томонидан ёшларга яратилаётган шарт-шароитлар, спортчи ва мураббийларимизнинг тинимсиз меҳнати мужассам.

«Рио — 2016» Олимпиадасида бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси энг яхши натижа кўрсатиб, биринчи ўринни кўлга киритганидан хабарингиз бор. Паралимпияда эса ўзбекистонлик дзюдочиларга тенг келадигани топилмади. Умумий ҳисобда 3 та олтин, 1 та кумуш ва 6 та бронзага эга чиққан вакилларимиз дзюдо бўйича дунёнинг энг яхши терма жамоасига айланди.

Ўз вазн тоифаларида Шерзод Намозов, Ўткирбек Ниғматов, Одил Тулендибоев барча рақибларини мағлубиятга учратиб, шохсупанинг энг юқори погонасига кўтарилдилар. 70 килограммгача бўлган спортчилар баҳсида Хайитжон Алимовага кумуш медал nasib қилди.

Севинч Салаева (-52 кг.), Турсунпоша Нурметова (-63 кг.), Гулруҳ Раҳимова (-70 кг.), Феруз Саидов (-73 кг.), Шухрат Бобоев (-90 кг.), Ширин Шарипов (-100 кг.) бронза медал билан тақдирланди.

Бундан ташқари, диск улоқтириш баҳсларида Хусниддин Норбеков, найза улоқтиришида Александр Свечников ҳамда Нозимахон Қаюмова, сузиш мусобақасида Фотимахон Амилова ва Фирдавсбек Мусабоев ҳам олтин медалга лойиқ топилди.

2012 йилги Лондондаги Паралимпия ўйинларида биргина ҳамюртимиз Шариф Халилов 73 кг. вазндаги дзюдочилар баҳсида кумуш медалга сазовор бўлган.

Бу гал эса бутунлай ўзгача ҳолат кузатилди. Вазни 60 кг. гача бўлган дзюдочилар баҳсида Шерзод Намозов финалга қадар уруғвайлик Хенри Боргес ва озарбайжонлик Рамин Иброҳимовни мағлубиятга учратди. Олтин медал учун кечган баҳс-

да эса дзюдо ватани ҳисобланган Япония терма жамоаси аъзоси Хироши Макотодан устун келди. Шу тариқа Шерзод Намозовнинг олтин медал Паралимпия ўйинларида кўлга киритилган ilk олтин бўлиб Ўзбекистон тарихига ёзилиб қолди.

Буни қарангки, 66 кг. гача бўлган полвонлар беллашувида ҳам олтин медал вакилимизга nasib этди. Ушбу вазн тоифасида Ўткирбек Ниғматов чорак финалда кубалик, ярим финалда эса украиналик Давид



Хоравани муддатидан аввал таслим қилди. Финал баҳсида полвонимиз озарбайжонлик Байрам Мустафоевни илпон баҳси билан энгди ва олтин медал соҳибига айланди.

Аёллар ўртасидаги дзюдо баҳсларида 52 кг. вазн тоифасида қатнашган ҳамюртимиз Севинч Салаева терма жамоамиз ҳисобига бронза медалини тақдим этди.

Мусобақанинг иккинчи кунда тўрт вакилимиз спортнинг икки тури — дзюдо ҳамда ўқ отишда Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиши ва терма жамоамиз газнасига 3 та медални қўшиб қўйишди.

Дзюдо бўйича эркеклар ўртасида 73 кг. вазнда Феруз Саидов, спортнинг шу тури бўйича аёллар ўртасида 63 кг. вазнда Турсунпоша Нурматовалар бронза медалини кўлга киритдилар.

10 метрдан тўппончадан ўқ отиш бўйича мусобақада иштирок этган ҳамюртимиз Сервер Ибрагимов ҳам яхши натижа кўрса-



тиб, шохсупанинг учинчи погонасидан жой олди.

Иккинчи кун якунига кўра терма жамоамиз ҳисобидаги медаллар 11 тага етди — 3 олтин, 2 кумуш ва 6 бронза.

Паралимпия мусобақаларининг учинчи кун ҳам биринчи кундагидек терма жамоамиз учун омадли келди — 1 та олтин, 2 та кумуш ва 5 та бронза медал

газнамизни янада салмоқли қилди.

Ягона олтин медални эркеклар ўртасида 100 кг.дан юқори вазн тоифасида қатнашган спортчимиз Одилжон Тулендибоев — кўлга киритди. Аёллар ўртасида 70 кг.дан юқори вазн тоифасида қатнашган дзюдочи Хайитжон Алимова ва сузиш бўйича мусобақалар иштирокчиси Фотимахон Амилова кумуш медалга сазовор бўлишди.

Энгил атлетикачимиз Дониёр Солиев узунликка сакрашда, дзюдочиларимиз Шухрат Бобоев 90 кг.гача, Ширин Шарипов 100 кг.дан юқори ва Гулруҳ Раҳимова аёллар ўртасида 70 кг.дан юқори бўлган вазн тоифасида, шунингдек, Шохсанам Тошпўлатова сузишда бронза медалларини кўлга киритиб, жамоамиз ҳисобидаги медаллар сонини янада кўпайтиришди.

Терма жамоамиз ҳисобидаги медаллар сони уч кун якунига кўра 19 тага етиб, 4 та олтин, 4 та кумуш ва 11 та бронза медалини ташкил этди.

Паралимпиданинг тўртинчи кун ҳам ҳамюртларимизнинг омади келди — уч



спортчимиздан икки нафари олтин медални кўлга киритди ва улар шайнига давлатимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янгради.

Эркеклар ўртасида 100 метрга брасс усулида сузишда Фирдавс Мусабоев мусобақанинг финал босқичида украиналик спортчи билан бир хил натижа кўрсатиб, олтин медалга лойиқ топилди.

Яна бир эътиборли жиҳати, ажойиб натижаларга эришган Фотимахон Амилова 100 метрга брасс усулида жаҳон рекордини ўрнатиб, улкан галабага эришди ва бунгача кўлга киритган бронза ва кумуш медаллари ёнига олтин медални ҳам қўшиб қўйди.

Кун якунига келиб терма жамоамизнинг умумий жамғарган медаллар сони 21 тани ташкил этди — 6 та олтин, 4 кумуш ва 11 та бронза.

Мусобақаларнинг бешинчи кундан ҳам рози бўлишини мумкин. Аввал

лига, пауэрлифтинг баҳсларининг 80 кг.гача вазн тоифасида қатнашаётган спортчимиз Ахрор Бозоров ўзини кўрсатди. Уч уринидаги унинг энг юқори натижаси 207 кг.ни ташкил этди ва бу унга бронза медалини келтирди. Эркин усулда 400 метрга сузиш мусобақаларида қатнашган спортчимиз Дмитрий Хорлин маррага учинчи бўлиб етиб келди. Ушбу кун якунларида сўнг терма жамоамиз ҳисобидаги медаллар сони 23 тага етди ва улардан 6 таси олтин, 4 таси кумуш ва 13 таси бронзадир.

Риодаги ўйинларнинг олтинчи кунда терма жамоамиз вакиллари яна бир бронза медалини кўлга киритишди.

Энгил атлетика бўйича беллашувлари ҳам биз учун хайрли бошланди. Ҳамюртимиз



Хусниддин Норбеков делегациямизга учинчи олтин медални тақдим этди. Қувонарлиси, Хусниддин нафақат Паралимпия ўйинлари чемпионлигини кўлга киритди, балки диск улоқтириш бўйича жаҳон рекордини ҳам янгилади. Илк уринишда дискни 54,46 метрга улоқтириб, ўзининг шахсий рекордини янгилаган бўлса, иккинчи уринишда 59,75 метр масофани забт этиб, жаҳон рекордини ўрнатди.



Сузиш бўйича эркеклар ўртасида 100 метрга баттерфляй усулида сузиш бўйича ҳамюртимиз Кирил Панков кумуш медалга сазовор бўлди. Яна бир ҳамюртимиз Музаффар Турсунжоев ушбу йўналишда бронза медалини кўлга киритди.

Аёллар ўртасида 100 метрга баттерфляй усулида сузиш бўйича ҳамюртимиз Муслимахон Одилова делегациямиз ҳисобида иккинчи кумуш медални тақдим этди. Худди эркеклар ўртасидаги беллашувларда бўлгани каби аёллар орасида ҳам кумуш ва бронза медаллари Ўзбекистон вакилларига nasib этди. Яна бир спортчимиз Фотимахон Амилова терма жамоамиз газнасини бронза медал билан тўлдирди.

Мусобақаларда иштирок этган спортчиларимиздан Александр Свечников энгил атлетиканинг найза отиш йўналишида 65,69 метр натижа билан Паралимпия ўйинлари рекордини янгилади ва мусобақаларнинг олтин медалга сазовор бўлди.

Энгил атлетиканинг аёллар ўртасида ядро улоқтириш мусобақасида иштирок этган Софиа Бурхонова 15,05 метрлик кўрсаткич билан мусобақанинг кумуш медалини кўлга киритди.

Шунингдек, Муслимахон Одилова ўзининг иккинчи кумуш медалини кўлга киритди. Муслимахон 100 метрга баттерфляй усулида сузиш бўйича кумуш медал соҳибаси эди. Ҳамюртимиз 50 метрлик масофани эркин усулда 28 сония ичида

сузиб ўтиб, яна бир кумуш медалга эга чиқди. Ушбу масофага эркин сузиш бўйича бронза медал вакиламиз Шохсанам Тошпўлатовага nasib этди. Шохсанам 200 метрга комплекс усулида сузиш баҳсларида ҳам бронза медал билан тақдирланди.

Эркеклар ўртасида мусобақаларда 50 метрга эркин сузиш бўйича Музаффар Турсунжоев бронза медалини кўлга киритди. Эътиборлиси, бу Музаффар учун XV Паралимпия ўйинларидаги иккинчи медалдир. У бунгача 100 метрга баттерфляй усулида сузиш бўйича бронза медалга лойиқ топилган.


Шунингдек, энгил атлетиканинг ядро улоқтириш мусобақасида иштирок этган Хусниддин Норбеков 15,17 метр натижа билан бронза медални кўлга киритди. Шу ўринда мусобақаларнинг биринчи кун Хусниддин диск улоқтириш баҳсларида 59,75 метр натижа билан жаҳон рекордини ўрнатиб, Паралимпия ўйинларининг олтин медалга сазовор бўлганлигини ёдингизга солиб ўтамиз.



Медаллар жамғариш борасида делегациямиз таркибиде Фотимахон Амилова пешқадамлик қилди. Унинг ҳисобида XV Паралимпия ўйинларининг олтин, кумуш ва бронза медаллари мавжуд. Шунингдек, Хусниддин Норбеков (олтин, бронза), Муслима Одилова (2 кумуш), Музаффар Турсунжоев (2 бронза) ва Шохсанам Тошпўлатова (2 бронза) иккитадан медални кўлга киритди.

Булар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ёш иқтидор соҳибларини аниқлаш ва кўллаб-қувватлаш, уларни юксак ижодий парвозлар сари рағбатлантиришга қаратилган алоҳида эътибор самарасидир.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири



МУАССИС:



Бoш муҳаррир:

Jahongir
Sharofboyev

Тaҳрир ҳay'ati:

Abdulaziz Abdullayev, To'iqin
Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek
Jalmenov, Farhod Xanapiyev, Ravshan
Bedilov, Asror Ishanxodjayev,
Muhabbat O'rmonbekova,
Oksana Belousova, Timur Mamajonov
(bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshch

BO'LIBLAR:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va o'lonlar — 256-87-73

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba,
payshanba va shanba kunlari
chiqadi. Satuvda erkin narxda.

*Ishonchdan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi
short. Mualliflar fikri ta'biyiyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUUDLARDAGI MUXBIRLAR:

Qoraqalpog'iston
Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 314-13-03
Samarqand — (+998-91) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-91) 233-69-07
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:

A.Toshev
Navbatchi:
D.Oripov
Musahhif:
S.Shodiyeva
Sahifalovchi:
H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi.

Korxonaning manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida
teritil va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma tabloq.
Buyurtma f — 915.

14282 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi: 133

Taxiriyat xisob raqami:
2021 0000 0004 3052 7001,
ATB «Inoteka bank» Yashobod filiali,
Bank kod: 00959, STIP: 201133889, OKONX: 87100



2007-yil 11-yanvarda
O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida
0116-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

Boshiga topshirish vaqti — 20:20

Topshirish — 21:00

1 2 3 4 6